Soliq Xizmati

# factbook

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

## 2024





# МУНДАРИЖА


1. Солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш
2. Солиқ тушумлари
3. Солиқ тўловчиларни рағбатлантириш
4. Соҳани рақамлаштириш
5. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги
6. “Маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тизими натижадорлиги
7. Солиқ назорати натижалари
8. Жамоатчилик билан алоқалар
9. Мурожаатлар билан ишлаш
10. Халқаро ҳамкорлик

# 01 СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

## Хўжалик субъектлари сони *(мингта)*

| Фаолият кўрсатаётган | | Янги рўйхатдан ўтган |
|---|---|---|
| 520,6 | | 77,2 |
| 96 085 | Тошкент ш. | 16 957 |
| 48 665 | Самарқанд | 6 264 |
| 48 400 | Тошкент в. | 6 855 |
| 45 998 | Фарғона | 5 966 |
| 41 630 | Қашқадарё | 4 504 |
| 32 814 | Андижон | 4 351 |
| 31 795 | Бухоро | 4 997 |
| 30 583 | Наманган | 3 853 |
| 28 593 | Хоразм | 6 668 |
| 28 436 | Сурхондарё | 4 741 |
| 26 137 | ҚҚР | 3 096 |
| 24 298 | Жиззах | 4 185 |
| 21 348 | Навоий | 2 904 |
| 14 888 | Сирдарё | 1 809 |
| 887 | ЙСТБ ҲСИ | 8 |

**Фаолият кўрсатаётган** субъектларнинг **39 фоизи (2023 йилда 40,1%)** савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатишга, **24 фоизи (22,4%)** қишлоқ хўжалигига, **10,4 фоизи (11,1%)** саноатга ва **26,6 фоизи (26,4%)** бошқа соҳаларга тўғри келади.

**Янги рўйхатдан ўтган** юридик шахслар сони **77,2 минг**та бўлиб, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатишда **55,2 фоизни,** қишлоқ хўжалигида **11,8 фоизни,** саноатда **15 фоизни** ва бошқа соҳаларда **18 фоизни** ташкил этади.

Янги рўйхатдан ўтган юридик шахслар томонидан 2024 йилда жами **1 675,8 млрд сўм** солиқ (ижтимоий солиқ билан бирга) тўланди.

## Соҳалар бўйича *(мингта)*




**Тугатилган** хўжалик юритувчи субъектлар сони **27 507 тани** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **3 140 тага (12,7%) ошган.**



## Тижорат корхоналарининг яшовчанлик даражаси

Ташкил этилганига **3 йилдан ортиқ** бўлган субъектлар сони **258 597 та** ёки **71,7 фоиз**га (2023 йилда **282 010 та** ёки **68,9%**) етиб **2,8 фоиз**ли пунктга ошган.

**2023** 68,9% — 282 010 та

2,8%

**2024** 71,7% — 258 597 та

*Ҳудудлар кесимида **уч йилдан ортиқ** фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг юқори улуши **Қашқадарё (75,4%), Навоий (75,0%), Самарқанд (74,4%), Наманган (74,1%)** ва **Андижон вилоятларига (73,1%)** тўғри келади.*

## Солиқ турлари бўйича тўловчилар сони

| Солиқ турлари | сони (мингта) | Ўсиш/ камайиш (%) |
|---|---|---|
| Акциз солиғи | 4,3 | 113,9% |
| Даромад солиғи | 5 720,8 | 113,8% |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 150,0 | 108,2% |
| Қўшилган қиймат солиғи | 201,0 | 106,0% |
| Фойда солиғи | 201,0 | 106,0% |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 1,8 | 105,0% |
| Мол-мулк солиғи | 77,9 | 104,2% |
| Ер солиғи | 170,4 | 103,3% |
| Айланмадан олинадиган солиқ | 273,8 | 86,8% |

## Ўзини ўзи банд қилган шахслар сони *(мингта)*

| 01.01.2024 | | 01.01.2025 |
|---|---|---|
| 2 533,9 | 76,5% | 4 471,8 |

# 02 СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ

# Солиқ тушумлари

**Иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, солиқ сиёсати ва маъмурчилигини яхшилаш** бўйича вақтида қабул қилинган қарорлар ҳамда **маҳаллабай** ва **корхонабай** янги институтлари фаолиятини самарали ташкил этилиши натижасида 2024 йилда **199,5 трлн сўм солиқ тушумлари** таъминланиб, 2023 йилга нисбатан **20,2 фоизга** (+33,5 трлн сўм) **ўсди.**

**20,2%**

***Республика бўйича***

**20,0%**

***Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси***

**20,5%**

***Ҳудудий солиқ органлари***

**24,2%**

***Солиқ инспекциялари***

**ТОШКЕНТ** ш.
**(26,7%)**


**СИРДАРЁ**
**(24,6%)**


**ТОШКЕНТ** в.
**(22,9%)**


**Ҳудудлар кесимида 2024 йилда тушум** ***(млрд сўмда)***

-фоизларда 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати




**НАВОИЙ**
**2 140,5**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**3 029,8**

**ХОРАЗМ**
**2 978,3**

**БУХОРО**
**3 828,3**

**ЙСТБ ҲСИ** 20,0%
**123 175,6**


САМАРҚАНД
5 278,6
ЖИЗЗАХ
2 201,8
СИРДАРЁ
1 695,5
ТОШКЕНТ Ш.
27 692,7
ТОШКЕНТ В.
7 359,8
26,7%
22,9%
10,1%
11,6%
17,4%
24,6%
16,1%
17,7%
16,4%
17,2%
НАМАНГАН
3 452,1
ФАРҒОНА
5 398,4
АНДИЖОН
3 760,4
СУРХОНДАРЁ
3 188,3
ҚАШҚАДАРЁ
4 268,9

# Солиқ турлари

| Солиқ турлари | Тушум (млрд сўм) | (Ўсиш/ камайиш %) |
|---|---|---|
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 1 172,7 | 48,3% |
| Мол-мулк солиғи | 6 804,7 | 33,5% |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 20 169,6 | 31,8% |
| Фойда солиғи | 52 663,5 | 29,1% |
| Ер солиғи | 8 215,6 | 19,2% |
| Даромад солиғи | 35 391,4 | 18,3% |
| Айланмадан олинадиган солиқ | 2 829,5 | 17,6% |
| Акциз солиғи | 17 764,5 | 17,4% |
| Қўшилган қиймат солиғи | 39 567,1 | 16,4% |

Юқори ўсиш суръати **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** бўйича кузатилиб, 2023 йилга нисбатан **48,2 фоизга** *(381,3 млрд сўм)*, **мол-мулк солиғи 33,5 фоизга** *(1 707,0 млрд сўм)*, шу жумладан 2023 йилга нисбатан юридик шахслар бўйича **22,6 фоизга** *(816,2 млрд сўм)* ва жисмоний шахслар бўйича **60 фоизга** *(890,9 млрд сўм)* ошди.

# Мол-мулк ва ер солиғи (млрд сўм)

| | Республика бўйича | Солиқ бошқармалари | ЙСТБ ҲСИда |
|---|---|---|---|
| Тушум | 15 020,3 | 11 009,0 | 4 011,4 |
| 2023 й. нисбатан (%) | 37,8% | 20,2% | 14,1% |

| Ҳудудлар номи | Тушум | Ўсиш/ камайиш (%) |
|---|---|---|
| Бухоро | 714,9 | 40,1 % |
| Тошкент ш. | 2 246,0 | 37,9 % |
| Тошкент в. | 1 315,3 | 37,8 % |
| Андижон | 621,7 | 30,8 % |
| Сурхондарё | 642,7 | 29,8 % |
| Қашқадарё | 834,7 | 129,7 % |
| Наманган | 606,8 | 28,2 % |
| Жиззах | 416,8 | 27,6 % |
| Фарғона | 937,5 | 26,2 % |
| Самарқанд | 1 147,9 | 24,6 % |
| Сирдарё | 248,7 | 23,8% |
| Хоразм | 530,1 | 23,1 % |
| Навоий | 290,7 | 15,4 % |
| ЙСТБ ҲСИ | 4 011,4 | 14,1 % |
| ҚҚР | 455,1 | 8,6 % |

## Фойда солиғи *(млрд сўмда)*

**Республика бўйича:** 52 663,5 млрд сўм (29,1%)

**Ҳудудий солиқ органлари:** 19,6%

**ЙСТБ ҲСИ:** 30,8%

2023 й. нисбатан (%)

| Ҳудуд номи | Тушум | Ўсиш/камайиш (%) |
|---|---|---|
| ЙСТБ ҲСИ | 45 434,9 | 30,8 |
| Тошкент ш. | 4 380,0 | 18,9 |
| Тошкент в. | 611,1 | 24,9 |
| Фарғона | 345,7 | 15,0 |
| Самарқанд | 265,7 | 16,0 |
| Бухоро | 244,0 | 24,3 |
| Қашқадарё | 187,0 | 3,7 |
| Хоразм | 179,6 | 37,6 |
| Наманган | 178,3 | -4,9 |
| Сирдарё | 177,9 | 81,0 |
| ҚҚР | 159,7 | 53,5 |
| Андижон | 156,0 | 8,4 |
| Навоий | 134,1 | 22,6 |
| Жиззах | 112,8 | 2,5 |
| Сурхондарё | 96,8 | 20,4 |

# Қўшилган қиймат солиғи *(млрд сўмда)*

| Республика бўйича | Солиқ бошқармалар | ЙСТБ ҲСИ |
|---|---|---|
| 39 567,1 | 13 332,5 | 23 435,5 |
| 16,4% | 21,0% | 13,5% |

2023 й. нисбатан(%)

| Ҳудудлар номи | тушум | Ўсиш/камайиш (%) |
|---|---|---|
| ЙСТБ ҲСИ | 23 435,5 | 113,5 |
| Тошкент ш. | 7 999,8 | 131,7 |
| Тошкент в. | 1 475,3 | 127,6 |
| Фарғона | 832,2 | 108,2 |
| Самарқанд | 772,9 | 113,3 |
| Бухоро | 732,4 | 110,0 |
| Қашқадарё | 690,1 | 101,7 |
| Андижон | 531,7 | 100,2 |
| ҚҚР | 524,6 | 123,7 |
| Наманган | 508,0 | 96,6 |
| Хоразм | 492,8 | 113,5 |
| Сурхондарё | 483,5 | 108,3 |
| Жиззах | 387,9 | 125,8 |
| Сирдарё | 353,9 | 139,2 |
| Навоий | 346,5 | 90,8 |

# 03 СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

# Солиқ имтиёзи ва преференциялари*

2024 йил январь-ноябрь ойлари давомида **249,5 минг ҳолатда 22,2 трлн сўмлик** солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **3,1 фоизга ўсган.**

**21,5 трлн** — 2023 йил 11 ойи

**22,2 трлн** — 2024 йил 11 ойи

**3,1%** — Ўтган йилга нисбатан

Кўп қўлланилган имтиёз ҚҚС бўйича **11,0 трлн сўм (49,5%)** ***(Экспорт ва унга тенглаштирилган ҳамда молиявий ва суғурта хизматларидан ташқари)***, фойда солиғи **4,0 трлн сўм (18,0%)**, ер солиғи **2,1 трлн сўм (9,8%)**, ижтимоий солиқ **2,6 трлн сўм (11,8%)**, даромад солиғи **1,3 трлн сўм (6,0%)**, мол-мулк солиғи **0,8 трлн сўмни (3,7%)** ташкил этади.

**Солиқ турлари имтиёзлар улуши (%)**:

| Солиқ тури | Сумма | Улуш |
|---|---|---|
| ҚҚС | 10 983,6 | 49,5% |
| ФОЙДА | 3 995,7 | 18,0% |
| ДАРОМАД | 1 333,8 | 6,0% |
| СУВ | 59,7 | 0,3% |
| АЙЛАНМА | 209,7 | 0,9% |
| ИЖТИМОИЙ | 2 610,8 | 11,8% |
| ЕР | 2 177,6 | 9,8% |
| МОЛ-МУЛК | 824,4 | 3,7% |

ЖАМИ 22 195,3 (МЛРД СЎМ) 3,1%

** Халқаро экспертлар хулосаларига асосан, ҚҚС бўйича молиявий хизматлар ва ноль ставка ҳисоби алоҳида юритилади.*

| | 2023 | 2024 | ўсиши |
|---|---|---|---|
| Экспорт ва унга тенглаштирилган хизматлар | 25,7 трлн | 32,5 трлн | 26,3% |
| Молиявий ва суғурта хизматлар | 13,3 трлн | 17,9 трлн | 34,2% |

# 04 СОҲАНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

## Рақамлаштириш ҳисобига солиқ базасининг кенгайиши

2024 йилда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар товар айланмаси **2 041,6 трлн сўм** ёки 2023 йилга нисбатан **367,1 трлн сўм**га **(22%)** ортган бўлса, ҚҚС суммаси **169,5 трлн сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **32,0 трлн сўм**га **(24%)** ошган.

| | 2023 | 2024 | Ўсиши |
|---|---|---|---|
| Товар айланмаси | 1 674,5 трлн | 2 041,6 трлн | 22% |
| ҚҚС | 137,5 трлн | 169,5 трлн | 23% |

**Рўйхатга олинган ОНКТ сони** 2023 йилга нисбатан (+13 022 та) ***6 фоизга***, урилган чеклар сони (+173,8 млн та) ***14 фоизга*** ҳамда чеклар суммаси (+31,5 трлн сўм) ***20 фоизга*** ошган.

| | 2023 | 2024 | Ўсиши |
|---|---|---|---|
| ОНКТлар сони | 211 256 дона | 224 548 дона | 6% |
| Чек суммаси | 229,7 трлн сўм | 261,2 трлн сўм | 14% |
| ОНКТга урилган чеклар сони | 877,8 млн та | 1 051,6 млн та | 20% |

**РЎЙХАТГА ОЛИНГАН МАРКЕТПЛЕЙСЛАР 201 ТА**

| | | |
|---|---|---|
| **49** ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМИ | **36** БАНК МОБИЛ ИЛОВАСИ | **116** ИНТЕРНЕТ ДЎКОН |

# МАРКЕТПЛЕЙСЛАР ТОМОНИДАН ХАРИДОРЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ЭЛЕКТРОН ФИСКАЛ БЕЛГИЛИ ЧЕКЛАР

**545,1** млн дона чеклар бўйича

**248,0** млрд сўм кешбек автоматик ҳисобланди

**ЧЕКЛАР СОНИ *(млн дона)* 2 009,4**

| Электрон тўлов тизими | Банк мобил иловаси | Интернет дўкон |
|---|---|---|
| 1 796,1 | 149,0 | 64,2 |
| 89,4% | 7,4% | 2,7% |

**СУММАСИ *(млрд сўм)* 94 146,0**

| Электрон тўлов тизими | Банк мобил иловаси | Интернет дўкон |
|---|---|---|
| 61 723,9 | 21 078,2 | 11 343,9 |
| 65,6% | 22,4% | 12% |

*Шундан бўнак **684,8 млн** дона **37 289,2 млрд сўмни** ҳамда кредит **4,4 млн** дона **1 583,9 млрд сўм**ни ташкил қилади.*

## Электрон шартномалар

**1 121,5 минг** — **2023 йилда**

109%

**1 222,6 минг** — **2024 йилда**

Электрон шартномалар 2024 йилда ўтган йилга нисбатан **101 032 та**га ёки **9 %** га **ошиб, 1 222 583 та**га **етди.**

**“E-IJARA”** интерактив хизматида **322 490 та** (2023 йилда 300 876 та) ижара объекти бўйича рўйхатга олинган **606 046 та** (531 757 та) шартномаларнинг умумий суммаси **11,9 трлн сўм**ни (8,7 трлн сўм) ва ҳисобланган солиқ суммаси **799,5 млрд сўм**ни (756,4 млрд сўм) ташкил этди.

**Талабалар** билан **115 656 та** ижара шартномаси тузилиб, ижарага берувчиларга **63,3 млрд сўм**лик (44,5 млрд сўм) **солиқ имтиёзлари** берилди.

## 2023 йилга нисбатан ўсиш



**7,2%** ижара объектлари

**14,0%** шартномалар сони

**37,2%** шартнома суммаси

**5,7%** ҳисобланган солиқлар

**42,0%** талабалар имтиёзи

## Рақамли маркировка

2024 йил 31 декабрь холатига **“Рақамли маркировка”** тизимида рўйхатдан ўтган **3,5 минг** иштирокчи томонидан **83,6 минг дона** маҳсулот тури **“рақамли маркировка”** каталогига киритилиб, қарийб **7,4 млрд дона** маркировкаланган товарлар ишлаб чиқарилади.

**“Рақамли маркировка” каталогидаги маҳсулотлар турлари/ маркировкаланган маҳсулотлар сони (млн дона)**

| Тамаки ва альтернатив тамаки маҳсулотлари | Алкоголь маҳсулотлари | Пиво |
|---|---|---|
| 8 396/2 762,0 | 8 708/1 034,7 | 1 428/1 052,7 |

| Маиший техника маҳсулотлари | Дори воситалари ва тиббий буюмлар | Сув ва салқин ичимликлар |
|---|---|---|
| 46 869/116,2 | 12 269/4 204,3 | 6 011/2 051,8 |

## Маҳсулот ва хизматларнинг идентификация коди (МХИК)

**Жами МХИКлар**



**466 877**




**Имтиёзга эга МХИКлар**
**37 794** (8,1%)

маҳсулотлар: **37 522** (8,0%)

хизматлар: **272** (0,1%)

**Штрих кодли товарлар**
**247 251** (53,7%)

маркировкаланадиган:
**51 755** (11,1%)

маркировкаланмайдиган:
**195 496** (41,8%)

**Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар** сифатини ошириш билан бирга **my3.soliq.uz** сайтидан **фойдаланувчилар сони ҳам** 2024 йилда **4,8 млн** тага етказилиб, ўтган йилга нисбатан **1,8 млн та**га ***(1,6 баравар)*** кўпайишига эришилди.

Фойдаланувчиларнинг **my3.soliq.uz** сайтидаги **интерактив хизматларга мурожаатлар сони** 2024 йил давомида **488,3 млн та**ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **274,5 млн тага** ***(2,3 баравар)*** кўпайган.

**Солиқ мобиль иловаси**дан фойдаланувчилар сони **2024 йилда 9,3 млн та**га етиб, 2023 йилга нисбатан **72,2 фоизга (+3,9 млн)** ошган.



**Йўналишсиз такси** бўйича **497,9 минг нафар** фуқаролар **ўзини ўзи банд қилган** шахс сифатида рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолияти легаллаштирилди.

**Интеграция қилинган 155 та агрегаторларнинг** (**“Yandex Go”, “Uklon UB”, “My taxi”, “GeoGo”** ва бошқалар) ахборот тизимлари орқали йўловчиларга **5,9 трлн сўм**лик (319,1 млн та) **фискал чеклар берилиб** *(ўртача чек суммаси - 18 456 сўм)*, агрегаторлар томонидан **156,8 млрд сўм** шундан, ҚҚС **66,2 млрд сўм** **солиқлар тўланган.**



**Электрон товар-транспорт юк хати** тизими 2024 йилнинг **1 апрел**дан йирик солиқ тўловчилар учун ва **1 июл**дан эса барча хўжалик юритувчилар учун йўлга қўйилди.

Тизим жорий қилингандан буён **39 433 та корхоналар** томонидан жами **8 057,1 мингта электрон товар-транспорт юк хати расмийлаштирилди** ҳамда **17,0 мингта** ***(11,8 мингта юридик шахс ҳайдовчилари ва 5,2 мингта якка тадбиркорлар)*** ташувчиларни фаолияти легаллаштирилишига эришилди.

---

**Электрон тижорат** соҳасини тартибга солиш бўйича **159 та** (**"Uzum market", "Olcha store" "Paynet"** ва бошқалар) **маркетплейслар** солиқ қўмитасининг ахборот базаси билан интеграция қилиниши натижасида 2024 йил бошидан **94,1 трлн сўм**лик **2 009,4 млн та фискал чеклар берилиши таъминланди**.




---

Солиқ қўмитаси солиқ тўловчилар учун **сунъий интеллект** базасида солиқ тўловчиларга **24/7** режимида маълумот беришга мўлжалланган, **DavrOn** деб номланган **виртуал ёрдамчини** ишга туширди. У ai.soliq.uz *(https://ai.soliq.uz/)* манзилида жойлашган.



# 05 ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ

Барқарорлик рейтинги платформасида жами **520,2 мингта** тадбиркордан **8,8 мингта**си **юқори (ААА – 1 623 та)**, **96,7 мингта** – **ўрта (B)**, **247 мингта** – **қониқарли (C)**, **168 мингта** – **қуйи (D)** рейтингда жойлашган.



**Рейтинг тизими** жорий қилингандан бугунги кунга қадар эришилган натижалар:

**юқори** рейтингдаги тадбиркорлар сони **5,4 баравар**, **ўрта – 1,8 баравар**, **қониқарли – 1,0 бараварга** ошиб, **қуйи** рейтингдагилар сони **1,6 бараварга** камайди;

**юқори** рейтингдаги тадбиркорларнинг **2,6 мингта**си **хизмат кўрсатиш**, **3,4 мингта**си **савдо**, **1,7 мингта**си **саноат**, **479 та**си **қишлоқ хўжалиги** ва **432 таси қурилиш** соҳаларига тўғри келмоқда;

**юқори** рейтингдаги тадбиркорларнинг **2,5 мингтаси Тошкент шаҳрига**, **783 та**си **Самарқанд**, **693 та**си **Фарғона** ва **826 та**си **Тошкент** вилоятларига тўғри келмоқда;

**AAA** рейтингдаги тадбиркорларнинг **1 107 та**сига **1,9 трлн сўм**лик **ҚҚС суммаси 1 кунда текширувларсиз** қайтариб берилди;






солиқ ҳисоботларини **белгиланган муддатда тақдим этаётган** тадбиркорлар сони **48,8 мингта**га **(19,6%)** ортди;

солиқларни **белгиланган муддатларда тўлайдиган корхоналар** сони **50,9 мингта**га **(57%)** ортди;





**солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажариш**, яъни солиқ тўловларини тўлов топшириқномаси орқали тўловчи корхоналар сони **86,1 мингта**га **(43,9%)** ортди;

**ишчи-ходимлар** сони **115,8 минг**та **(56%)** корхонада **685,5 мингта**га ортди;





**электрон ҳисобварақ-фактуралар**нинг белгиланган муддатларда расмийлаштирилиши 2024 йилнинг бошига нисбатан **13,5 млн та**га **(81,3%)** ортиб **16,6 млн та**ни ташкил этди.

# 06 “МАҲАЛЛАБАЙ” ВА “КОРХОНАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ НАТИЖАДОРЛИГИ

# “Маҳаллабай” институти

жисмоний шахсларнинг **ер** ва **мол-мулк солиғи** **1 370,4 млрд сўмга (31%)** ошишга эришилди;

**64,5 мингта** вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган **тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди**;

маҳалла еттилиги билан биргаликда **2 517,3 минг нафар** аҳоли **ўзини ўзи банд қилган** шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди;

**134,8 мингта янгидан тадбиркорлик субъектлари** ташкил этилди;

**486,3 млрд сўм қўшимча солиқ ҳисобланди**;

**129,3 мингта деҳқон хўжалиги** рўйхатдан ўтказилди;

**8,7 мингта ўзини ўзи банд қилганлар** ҳамда **947 нафар** ЯТТнинг фаолияти **юридик шахс сифатида йириклаштирилди**;

**4013 та бўш турган объект ишга туширилиши** ҳисобига **9,4 минг нафар** аҳоли **иш билан таъминланди**;

2024 йил бошига нисбатан маҳаллалар кесимида кичик тадбиркорлар ҳисобига **41,5 мингта ишчи сони ошишига эришилди**.

# "Корхонабай" тизими

Ҳисобот даврида **товар айланмаси 10 млн сўм**дан кўп бўлган корхоналар сони **25,4 мингтага (41 %) ошди.**

Товар айланмага нисбатан:
Иш ҳақини **5 фоиздан** кўп ҳисоблаганлар сони **46,4 мингта**га **(88 %)**;
ҚҚСни **1 фоиздан** кўп ҳисоблаганлар сони **39,4 мингта**га **(85,4 %)** ошди.

Рентабеллиги **1 фоиздан** кўп бўлган корхоналар сони **27,7 мингта**га **(55,7 %)** ошди.

Ходимлар сони **703,7 мингтага** (2024 йил белгиланган режа кўрсатгичига нисбатан) ошди.

**"Корхонабай"** тизимида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари бўйича **1,2 млн** та вазифалар бажарилди.



# 07 СОЛИҚ НАЗОРАТИ НАТИЖАЛАРИ

# Солиқ назорати натижалари

2024 йилда солиқ мажбуриятига эга **520 557 та** корхонанинг **84 222 та**сида ёки **16,2 %** *(2023 йилда* ***570 372 та*** *корхонанинг* ***105 859 та****си ёки* ***18,5%****)* **солиқ текширувлари** ташкил этилган.

**520 557** ***ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР СОНИ***



***16,1%***

**84 222** ***ЎТКАЗИЛГАН СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТАДБИРЛАРИ СОНИ***

**2,4%** ***2023 ЙИЛГА НИСБАТАН КАМАЙГАН***

| | | |
|---|---|---|
| ***0,4%*** | ***6,1%*** | ***9,6%*** |
| **СОЛИҚ АУДИТИ** | **КАМЕРАЛ** | **САЙЁР** |

**2 143 та** *(2023 йилда* ***1 066 та*** *ёки* ***2 баравар****)* солиқдан қочиш хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларда **солиқ аудити** ўтказилиб, **6 217,2 млрд сўм** қўшимча солиқ ва молиявий санкциялар қўлланилди.

**31 938 та камерал** солиқ текшируви ўтказилиб, **1 302,7 млрд сўм** *(2023 йилда* ***50 762 та, 9,1 трлн сўм****)* қўшимча солиқлар ҳисобланган.

**50 141 та** *(2023 йилда* ***54 031 та****)* **сайёр солиқ текширувлари** ташкил этилган.

**Текширувдан олдинги таҳлил –“Автокамерал” АТ**да **504 та мезон** асосида солиқ тўловчиларга хато-камчиликларини мустақил бартараф қилиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

**“Автокамерал” АТ** орқали солиқ тўловчиларнинг **ҳисоботларида аниқланган тафовут** ва хатоликларнинг қарийб **12,6 трлн сўми** бўйича ихтиёрий равишда аниқлаштирилган ҳисоботлар тақдим этилди ва **4,6 трлн сўмлик молиявий жарималар** қўлланилишининг олди олинди.

Натижада, бюджетга **3,1 трлн сўмлик қўшимча солиқлар** ҳисобланди.

**18 585 нафар** фуқаролар томонидан **99 128 та** солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида **хабар берилган,** шундан **37 897 та**сида назорат касса техникаси ва тўлов терминалларидан фойдаланиш бўйича **мавзули сайёр солиқ текширувлари ўтказилган.**

Уларнинг **37 495 таси** ёки **98,9 фоиз**ида **ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ўз тасдиғини топди.**

## Келиб тушган мурожаатлар мазмуни




**90 216** Чек бермаслик

**4 273** Тўловни пластик карта орқали қабул қилмаслик

**212** Пластик карта учун харид суммасини ошириш

**4 427** бошқалар

Натижада, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган солиқ тўловчилардан **135,1 млрд сўм жарималар ундирилиб**, ушбу жарима ҳисобидан хабар берган фуқароларга **22,9 млрд сўм мукофот пуллари тўлаб берилди.**

# 08 ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР



# Жамоатчилик билан алоқалар - очиқ ва шаффоф конструктив мулоқот майдони

Солиқ маъмуриятчилигининг рақамли трансформацияси жараёнидаги янгиликлар ва уларни амалиётга жорий этиш механизмларини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига **тушунтириш ишлари**, шу жумладан уларни **оммавий ахборот воситалари** ва Интернет тармоғи орқали кенг тарғиботи тизимли равишда ташкил этилди.

***Ижтимоий тармоқлардаги обуначилар сони***

- **47 580** — @soliqpressa
- **44 464** — SOLIQ QO'MITASI
- **5 697** — Фискал Таҳлиллар
- **126 755** — Солиқ хизмати хабарлари
- **5 246** — Солиқ қўмитаси матбуот котиби
- **52 439** — SOLIQ QO'MITASI
- **601** — @soliqnews
- **5 132** — @soliqpressa

**2024 йилда** солиқ хизмати органлари томонидан **66 947 та ёритиш ва тарғибот тадбирлари**, шу жумладан **ОАВ** орқали **8 976 та (13,4%)**, **ижтимоий тармоқларда** – **54 435 та (81,3%)**, **оғзаки тарғибот** (матбуот, семинар, брифинглар) – **3 536 та (5,3%)** амалга оширилди.

**29 313** Telegram

**10 875** Facebook

**5 111** Instagram

**2 542** Threads

**5 313** Электрон ахборот сайтларида

**1 228** Радио

**1 557** Телевидение

**1 910** YouTube

**1 372** видеоролик

**3 312** Twitter

**878** Босма нашрлар

Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва янгиликлар юзасидан қўмита мутахассислари билан ҳамкорликда ўтган даврда **100 га** яқин **онлайн-семинарлар** ўтказилди. Семинар давомида келиб тушган мурожаатлар асосида автоматлаштирилган тизимларда учраётган ҳолатлардан келиб чиқиб ижобий ва салбий ўзгаришлар юзасидан таклифлар киритиб борилди.



**«Халқ рейтинги — 2024»** сўровномалари натижасига кўра, **«Энг фаол қўмиталар»** номинациясида **Солиқ қўмитаси биринчи ўринни эгаллади**. Солиқ хизмати бизнесни юритиш содда ва қулай бўлиши, солиқларни бир зумда тўлаш ва ортиқчасини оворагарчиликсиз қайтариб олиш, ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромадга эга бўлиш, жамоатчиликнинг фаол фуқаролик позициясини кўрсатиши учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.




Солиқ қўмитаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг **янги таркиби тасдиқланди**.



**"Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"** якунлари ва **"Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури"** доирасида **2025 йилга мўлжалланган устувор вазифаларни** муҳокама қилиш мақсадида солиқ қўмитаси раҳбарияти пойтахтимиз тадбиркорлари билан учрашди. Унда соҳадаги мавжуд муаммолар кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.




Солиқ қўмитасида **сув ва алкоголсиз ичимликлар** бозори вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди, унда **рақамли маркировкалаш масалалари** муҳокама қилинди. Учрашувда Солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари А.Файзибаев, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари У.Сафаров, Ўзбекистон алкоголсиз ичимликлар ва шарбатлар ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.



# 09 МУРОЖААТЛАР

# Мурожаатлар билан ишлаш

Солиқ қўмитасига 2024 йил давомида келиб тушган **543 937 та мурожаатларнинг 318 061 та**си **қаноатлантирилган**, **202 822 та**сига **тушунтириш берилган**, **2 966 та**си қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилган ёки ўрганиш жараёнида тасдиғини топмаган, **6 726 та**си **тегишлилиги бўйича юборилган** ва **12 851 та**си **кўриб чиқиш жараёнида.**

## МУРОЖААТЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН МАСАЛА ТУРЛАРИ

**133 945**
Солиқларга оид тушунтириш бериш

**66 008**
Солиқлардан озод қилиш ва имтиёзлар бериш

**10 546**
Тадбиркорлик субектлари фаолиятидаги қонунбузарликлар

**635**
Тизим ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари

**332 803**
Бошқа масалалар *(маълумот тақдим этиш, ижтимоий масалалар, миннатдорчилик ва ҳ.к)*

# 10 ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# Халқаро ҳамкорлик

**202** **нафар ходимлар**

**Малака ошириш**, қисқа муддатли курсларда иштирок этиш ва халқаро даражадаги тадбирларда қатнашиш юзасидан **20 та** (**Япония, Корея, Хитой, Чехия, Франция, Россия Федерацияси, Туркия, Қозоғистон, Филиппин, АҚШ ва бошқа**) давлатга сафарлар ташкил этилган.



**160** **дан ортиқ**

**2024 йил давомида OECD, BMTTD, CCAMTAC, PWC, KPMG, OTB, JB, XVJ** ва **JICA** каби халқаро ташкилотлар, хорижий солиқ экспертлари иштирокида **учрашув** ва **семинарлар** ташкиллаштирилди ҳамда натижаси бўйича қўмита раҳбариятига ахборот киритиб келинмоқда.



Солиқ қўмитаси Раиси Ш.Кудбиев бошчилигидаги делегация **2024 йилнинг 2-3 октябрь кунлари Бишкек шаҳрида МДҲга аъзо давлатларнинг солиқ хизмати раҳбарлари** Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги XXXI йиғилишида иштирок этди.




Тадбирда Кенгаш томонидан **ҚҚС суммасининг ўрнини қоплаш** ва **ҚҚС маъмуриятчилигида тўловнинг шаффофлигини** таъминлашдаги рақамли ечимлар муҳокама қилинди.

Учрашув давомида Солиқ қўмитаси раиси Шерзод Кудбиевга Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат даромадлари қўмитасининг **ўн йиллиги муносабати билан кўкрак нишони топширилди.**



**Саудия Арабистони Қироллигининг** Закот, солиқлар ва божхона маъмурчилиги раҳбари Сухайл Абанми томонидан юборилган таклифга асосан 2024 йилнинг 4-5 декабрь кунлари Ар-Риёд шаҳрида ташкил этилган **“Закот, солиқлар ва божхона маъмурчилиги”** конференциясида Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари **М.Мирзаев бошчилигидаги делегация** иштирок этди.



Унда **М.Мирзаев “Ривожланаётган мамлакатларда солиқ маъмурчилиги, салоҳиятини ошириш ва мувофиқликни ривожлантириш”** мавзусида тақдимот қилиб, қатнашчилар Ўзбекистон солиқ маъмурчилигидаги ислоҳотлар ва эришилган натижалар билан таништирди.

Конференция доирасида **“Келажак учун барқарор экотизим барпо этиш”** мавзусида соҳада рўй бераётган тенденциялар, сўнгги технологиялар ва замонавий моделларни жорий қилиш масалалари, солиқ маъмурчилигида мавжуд умумий муаммолар ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқлар ва уларнинг ечимларини топишда глобал ҳамкорликнинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

*Маълумот учун: Конференция Саудия Арабистони Қироллиги Молия вазирлиги ҳузуридаги Закот, солиқлар ва божхона маъмурчилиги томонидан ташкил этилди. Унга 50 дан ортиқ давлатдан 500 нафарга яқин солиқ ва божхона идораларининг юқори даражали вакиллари, халқаро ташкилотлар экспертлари ва бизнес вакиллари ташриф буюрди.*

www.soliq.uz

@soliqnews

@soliqpressa

@soliqnews

@soliqnews

Soliq qoʻmitasi

@soliqpressa

# Қайдлар учун

*Қайдлар учун*

ТОШКЕНТ -2025